



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 10 март, № 47 (4962)

Чоршанба

ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

курулиш индустриясида янги уфқларни очмоқда

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида бир йўла иккита кўргазма иш бошлади. Булар "Қурилиш" 11-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси ҳамда "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн" 7-халқаро "МеbelExpo Uzbekistan — 2010" иختисослашган кўргазмасидир. Ташкилотчиларнинг айтишича, ушбу тадбирлар бир пайтда ўтказилишининг маълум сабаблари бор: улар мавзу жиҳатидан бири-бирини тўлдирди, бу эса тармоқлараро кооперациянинг янада ривожланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кўргазма

Мутахассисларнинг фикрича, қурилиш қўламини қараб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини билиб олиш мумкин. Зотан, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари барқарор ривожланаётган давлатлардагина олиб борилади. Агар шу мезон билан ўлчайдиган бўлсак, Ўзбекистонни жадал ривожланаётган давлатлар орасида энг пешқадами, дейишга тўла асослар бор. Негаки, юртимизга бундан 5-10 йил илгари меҳмон бўлган киши бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, хайратга тушиши турган гап. Кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик юмушлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз бугундай ўзгача кифога касб этаётгани бунинг тасдиғидир. Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ана шу ўзгаришлар бевосита қурилиш материаллари саноатининг иштироки билан бўлади. Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар



туфайли иқтисодий тармоқнинг маъмурият ҳақида ривожланмоқда. Қурилиш учун зарур материалларнинг деярли барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши натижасида қурилиш ва бунёдкорлик юмуш-

лари қўламини йил сайин кенгайтиб бораётди. Импортуни босувчи материаллар тайёрлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш, янги ҳамкорлар топишда "Uzbuild" кўргазмасининг аҳамияти

беқиёс. Чунки у ўтган ўн бир йил ичида соҳадаги энг йирик тадбирга айланган улгурди. Мазкур кўргазманинг қўламини кенгайтириш ва иштирокчилар сони кўпайиб босиб, унга яқинлашган йилда Жаҳон кўргазмалар саноати уюшмаси (UFI) Дирек-

торлар Кенгаши қарорига кўра, янги — "UFI маъқуллаган тадбир" мақоми берилгани бунга яққол далил бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

Тараддуд

Бу йилги уйғониш, яшариш, янгилашни айёми — Наврўзи оламни барча юртдошларимиз сингари фарғоналиклар ҳам кўтаринки кайфият, ҳар йилгидан-да ўзгача тараддуд ва иштиёқ билан қарши олишмоқда.

НАВРЎЗ КЎНГИЛЛАРДА УЙҒОНАДИ

Наврўз шукхи дилдан-дилга кўчиб, жилғалар лабига юрган яшиллик, дарахларнинг нозик новдаларида уйғона бошлаган куртаклар юртимизга гул фасли, нафосат айёми ташрифидан дарак бера бошлади.

Хадемай, Фарғона вилоятидаги мингдан ортқ маҳаллаларда ҳам бу байрам ўзига хос кўтаринкилик билан кутиб олинади. Миллий урф-одатларимиз, қадимий аёнана ва удуларимизнинг гўзал намоийиши байрам тадбирларига улашиб кетади.

Масалан, сўхликлар тун давомийлиги қисқариб, кун узая бошлаган дамларда "Лола сайли" ёки "Гулисурх" байрамни ўтказишди. Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғи аҳолиси эса жамулжам бўлиб тунни қирларда қарши олишди. Данғара туманининг Оқжар қишлоғи одамлари Сирдарё бўйларида сумалак пиширишса, қувалиқлар ота-боболарининг аёнанашига мувофиқ, кўкламни анор боғларида қарши олишди. Илдан-илгари кадр топиб келаятган удулардан яна бири — байрам муносабати билан вилоятдаги меҳрибонлик, мурувват уйлари, 16 та мактаб-интернат, қариялар истиқомат қилдиган махсус муассасаларга ҳўий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар томонидан меҳр-мурувват

(Давоми 4-бетда).

ЭНГ САМАРАЛИ ВА МАҚБУЛ ЕЧИМ

Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуси нақадар тўғри экани амалда ўз исботини топмоқда.

"Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз".

Ислом КАРИМОВ.

Бугунги кунда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи энг долзарб халқаро муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки минтақавий осойишталикка етишмай туриб, жаҳон барқарорлига эришиш бўлмади. Биз яшаб турган Марказий Осиёнинг дарди, огрикли нуктаси бу — Афғонистондир. Демак, Афғонистон наинки минтақамиз, балки дунёнинг энг таъшишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммосидир. Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҳамда мажлисидаги маърузасида ушбу масалага яна бир қар-

Кўшнинг тинч — сен тинч

ра тўхталиб, алоҳида таъкидлаганидек: "Халқимизда "Кўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бежиз айтилмаган. Кўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликни нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади".

Ўзбекистон айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб,

БМТ, ЕХТ, НАТО/СЕАП, МДХ ва ШХТ доирасида ўтказилаётган халқаро ҳамда минтақавий анжуманларда Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш бўйича ўзининг амалий ташаббусларини доимий равишда баён қилиб келмоқда. Яъни бу ердаги аҳолини ўнлаш учун жароҳат афғон дийрига иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиш, улка инфратузилмасини тиклаш, миллий ва этник тотувликни таъминлаш, уларнинг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини, аввало, халқни ҳурмат қилиш лозимлигини ўқитиб келади. Хусусан, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойда бўлиб ўтган Бухарест саммитида Президентимиз афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечи-

(Давоми 2-бетда).

Наманган вилояти:

БАҲОР УЙ ТҮЙЛАРИ БИЛАН БОШЛАНДИ



СУРАТДА: Наманган тумани Хонобод шаҳарчасидаги янги уйлар.

Ўттиз тўрт йилдирки, зардўзлик билан шугулланаман. Шу хунар этагидан тугтиб, сира кам бўлмадим. Бир пайтлар устозим Моҳира Жўраевдан зардўзлик сирларини ўрганганим. Бугун эса ўзим ёшларга устозлик қилаёман. Йигирма нафардан зиёд шогирдим бор.

БЕКІЁС ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Беш фарзандни вояга етказдим. Қизларим ҳам зардўзликни билишди. Биз тайёрлаган хунармандчилик буюмлари юртимиз санъат қошаларини беэаб турибди, хориждаги кўргазмаларга қўйилмоқда. Ўзимни бахтли она, аёл, дея баралла айта оламан. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида алоҳида қайд этилганидек, "Оналарнинг, аёлларнинг бахти — оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир".

Бу йилги байрам тантаналари вилоятимизда ҳар қачонгидан кўра эўр шод-хуррамлик билан ўтди. Биз, аёллар, шаънига илқ сўзлар айтилди, фаол хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Аёлларнинг жамиятимизда тутган мавқеалари алоҳида эътироф этилди. Муҳими, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Барча соҳа қатори биз, хунарманд аёлларнинг эмин-эркин ишлашини учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Масалан, биргина бизнинг қорхонамизда қарийб юз нафар хотин-қиз касаначилик асосида меҳнат қилапти.

Давлатимиз раҳбарининг биз, хотин-қизларга қўрсатаятган ғамхўрликларига фидойи меҳнатимиз билан жавоб берамиз, албатта.

Ойша ТЕМИРОВА,

Бухоро шаҳридаги «Заркон» масъулияти чекланган жамияти зардўз-устаси, «Шухрат» медали соҳибаси.

Наманган туманининг Хонобод қишлоғида тонг чоғи янраган қарнай садоси кўклам муждаси янглиг кўнгиллари яйратиб юборди.

— Нима, бирор киши юртга ош тортаётганими? — деди кўча юзида ўтирган оқсоқоллардан бири.

— Ҳали хабарингиз йўқми? — деди бунга жавобан ёнидагиси. — Ахир кеча кечкурун кўчамиздан жар солиб ўтишди-ку, "Хамма эрталаб Ҳабибулла аканингига тўйга, уй тўйига!" деб. — Э, шундоқми. Бу... ўзимизнинг дўхтирими? Кунни кеча Президентимиз қарори билан қуриляётган уй-

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)-нинг таъсисчиларидан бири саналади ва бошқа аъзо давлатлар каби ушбу Ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини, айни пайтда унинг халқаро сиёсатининг бошқа субъектлари билан алоқаларини белгилашда фаол иштирок этиб келмоқда.

БМТ ва ШХТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон ШХТга раислик қилмоқда. ШХТнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс равишда олиб борилган ишларнинг якунлари кўриладиган Ташкилотта аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити 2010 йил июнь ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

ШХТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини халқаро алоқаларни ривожлантириш орқали янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги давридаги устувор вазифалардан бири саналади.

Биз ва дунё

2009 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг БМТ ва ШХТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги қарорининг консенсус асосида қабул қилинишини Ўзбекистон ШХТда раислик қилган қисқа даврда эришилган бошқа ютуқлар қаторида санаб ўтиш мумкин. Ҳужжатни ишлаб чиқиш ишида ШХТга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон ва Тожикистон билан бирга, Покистон ҳамда Доминикан Республикаси ҳам иштирок этиди.

БМТ англо-америка марказининг хабар беришича, қарор БМТ ва ШХТ ўртасидаги алоқаларни янада тизимлироқ асосда йўлга қўйишга ҳақиқатдан ҳам муваффақият қозонди. ШХТнинг БМТ Бош Ассамблеяси билан алоқаларини йўлга қўйди ва ҳамкорликни кенгайтирди. Хозирги даврда ЭСКАТО ва ШХТ Осиё тараққиёт банки кўмағида ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги халқаро автомобиль йўли юк ташуви бўйича қулай шароит яратиш битими лойиҳасини тайёрлаш қарорини қабул қилиш бўйича ШХТ ва ЭСКАТО котибтаблари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ шакли ва соҳалари, жумладан, биргаликдаги фаолият олиб боришни таҳлил қилиш ва ўзаро манфаатли бўлган алоқаларнинг келгуси йўналишларини муҳокама этиш мақсадиди

Қарорга мувофиқ, БМТ Бош котибига БМТ тизимидаги иктисослашган муассасалар, ташкилотлар, дастурлар ва жамғармаларнинг ШХТ билан уларнинг мақсадга эришиларига йўналтирилган дастурларни биргаликда амалга ошириш юзасида ҳамкорлик қилиш бўйича ШХТ Бош котиби билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиғи топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллиғидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ғуломов ушбу мамлакат Қироли Альберт II га ишонч ёрлиғини топширди.

Бўлиб ўтган сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиғи ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболли масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада қучурлаштириш ва кенгайтириш, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш,

«Жаҳон» АА. Брюссель

Шаҳзодадон ая билан қўл қовуштириб, останада меҳмонларни қарши олаётти. Ҳаммининг юзи-кўзида ҳавас, ҳайрат, янги уйни кўриш иштиёқи.

Ҳабибулла ака эркакларни, уй бекаси бўлса ҳам қишлоқ аёлларини ичкарига бошлади. Хоналар билан, шароитлар билан бирмабир таништиради: "Мана, биринчи қаватда бир эмас икки, катта-кичик меҳмонхона, ошхона. Газ, иссиқ сув, совуқ сув, ҳаммом. Иккинчи қаватда яна йўлак, зал, ётоқхона, ўғил болалар, қиз болалар учун алоҳида-алоҳида хона. Жами еттига хона. Деразалари қўёшга қараган. Уй эмас, нақ қошона!"

(Давоми 2-бетда).

24 соат ичида

Туркия шарқида кучли ер силкниши содир бўлди. "Associated Press" ахборот агентлиги хабарига кўра, мамлакатнинг Элазиг музофотида юз берган zilzilанинг кучи Рихтер шкаласи бўйича олти баллини ташкил этган.




Зилзила содир бўлди

Табиий офат оқибатида 50 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, қариб 100 киши тан жароҳати олган. Худуддаги олти киши қайтарилган. Қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

"Оскар" совриндорлари маълум

АҚШ киноакадемиясининг "Оскар" муқофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Таъкидлаш жоиз, тадбирдан олдин кинотанқидчилар томонидан асосий эътибор Жеймс Кэмероннинг "Аватар" ҳамда Кэтрин Бигелоннинг "Довулар ҳукмдори" кинокартиналарига қаратилганди. Яқинда ҳам энг кўп муқофотлар мазкур фильмларга насиб этди. Хусусан, "Довулар ҳукмдори" киноасари олти номинацияда голиб деб топилган бўлса, "Аватар" уч йўналиш совриндорига айланган.

Йигирма йилда қузатилмаганди

Буюк Британияда давлат тасарруфидоги корхоналарда фаолият кўрсатаётган хизматчилар икки қунлик иш ташлаш уюштиришди. Бу ҳақда "BBC News" хабар тарқатди. Норозлиқ чиқишларида қариб 270 минг киши қатнашмоқда. Улар ишдан бўшатилган тўланаётган компенсация тизимига ўзгариш киритишни талаб қилмоқдалар.

Маълумотларга кўра, мамлакат тарихида сўнгги йигирма йил ичида бир вақтнинг ўзида бунчалик кўп одамнинг иш ташлаши қузатилмаганди.

Ташвишга тушаётгани йўқ

"Airbus" авиаконцерни жорий йилнинг февраль ойида бирорта ҳам буюртма олмаган.



Унинг асосий рақобатчиси — АҚШнинг "Boeing" компанияси эса бу даврда 57 та самолёт етказиб бериш борасида шартнома имзолаган. Аммо ушбу ҳолат "Airbus" маъмуриятини асло ташвишга солаётгани йўқ. Изоҳландишича, авиаконцернда ўтган йилги ҳам шундай вазият қузатилган. Аммо йил якунида у буюртмачиларга самолёт сотиш борасида "Boeing"ни сезиларли даражада орда қолдирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли бугун банкларимиз фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган. Бу эса, ўз навбатида, миқозлар ишончи тобора мустаҳкамланишига, иқтисодий тизимнинг янада ривожланишига хизмат қилаётган. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молия муассасаларининг қўллаб-қувватлаши натижасида республикамиз иқтисодиётида етакчи тармоқлардан бирига айланмоқда. Қувонарлиси, бу борадаги ишлар узлуксиз давом эттириляпти.

КАФОЛАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ

Зеро, Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига жорий йилда кредит ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажминини эса 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилгани замирида шу мақсад муҳассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу борада, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки қандай ишларни амалга оширмоқда?

Пешку туманидаги "Хунар — Зар" хусусий корхонаси — ушбу молия муассасаси миқозларидан бири. Мазкур корхонада банкнинг 40 миллион сўмлик микролизинг хизмати эвазига олиб келинган замонавий технологиялар ёрдамида полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, вилоятнинг деярли барча туманларига етказиб берилмоқда.

— Молия муассасаларининг бугунги фаолияти биз, тадбиркорларга жуда маъқул бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Норбой Шодмонов. — Айниқса, бу борада "Микрокредитбанк" томонидан кўрсатилаётган хизмат ва маблағларнинг қулай шарт ҳамда кам фоизларда тақдим этилаётгани эътиборга моликдир. Бухоро вилоятида банк филиали билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, фаолиятини тобора ривожлантираётган бундай тадбиркорлик субъектлари талайгина. Когон туманидаги паррандачиликка иختисослашган "Беларусь парранда", Пешку туманидаги томат пастаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Афсона мевасабзавоти" маъсулияти чекланган жамиятлари, Бухоро шаҳридаги "Манхон сервис" хусусий корхонаси, Гиждувон шаҳрида зардўзлик билан шуғулланаётган хусусий тадбиркор Хуршида

болтаева шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони банк зиммасига маъсулият юклат баробарида, миқозларга талайгина имтиёзлар ҳам яратиб берди. Яъни мазкур Фармонга биноан, фермерларга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридоги микросармомаялар йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридоги бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробарига қадар бериладиган

лизинг хизматлари 7 фоиздан 5 фоизга қаматирилди. Натижада "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкнинг Бухоро вилояти филиали ўтган йилни самарали якунлади. Жами кредит қўйилмаси миқдори 13 миллиард 701,1 миллион сўмни ташкил этгани, бу аввали йилдагига нисбатан 2 миллиард 793,9 миллион сўмга кўпчилиги фикримиз тасдиқидир. Шунингдек, филиал томонидан йил давомида 12 миллиард 91,8 миллион сўм миқдоридоги кредитлар ажратилган бўлиб, унинг 5 миллиард 192,7 миллион сўми саноат корхоналарига, 4 миллиард 412,2 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 934,3 миллион сўми маиший хизмат ва сервис соҳасига, 524,9 миллион сўми қурилишга ва 1 миллиард 122,7 миллион сўмдан зиёдроқ бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Пировардида ушбу маблағлар ҳисобига 7620 та янги иш ўрни яратилди.

Филиал томонидан, шунингдек, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари ҳамда уларни истемол кредитлари билан таъминлаш учун 1 миллиард 104,6 миллион сўм миқдоридоги маблағ ажратилган бўлса, хотин-қизларнинг тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 1 миллиард 423 мил-

МУНОСИБЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови юқори натижага эришаётган тадбиркорлар таърибасини оммалаштириш, улар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, илгорларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган.

Ташаббус — 2010 кўрик-танловининг шахар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Танловда жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва энгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, хунармандлик буюм ва ашёлари намойиш этилмоқда. Танловнинг Навоий шахар босқичида йигирмага яқин тадбиркорлик субъектлари, 15 нафар хунарманд иштирок этди. «Navoiy FSK», «Навоий металлмаш», «Мурунта», «Бахттекстил», «Ишон-гиллам», «Багрикен Софаин», «Муслима зиё», «Спутник-БУС», «Қўшчиноғўшт», «Карманасут», «Наргиза-К» сингари корхоналар маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уюғотди. Навоий шахридаги кўп тармоқли «Navoiy FSK» маъсулияти чекланган жамиятида таълим ва тиббиёт муассасалари, идоралар учун меъёли ишлаб чиқарилади. Утган йили корхона бозорга йўналган қароват, теннис столи каби ўнга яқин қўшимча янги маҳсулот чиқарган бўлса, жорий йил бошидан бу ерда ногиронлик аравачалари тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона раҳбари Файрат Жўраев танловнинг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича вилоят босқичида қатнаш ҳуқуқини қўлга киритди. «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринни болалар учун қўғирчоқ ва ўйинчоқлар тайёрлашда ўзига хос маҳорат мактабини яратган Людмила Завьялова эгаллади. Кўрик-танловда бошқа номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Ёркул УМАР, ЎЗА МУХБИРИ.

Магистраль газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чоралари тўғрисида

«O'ztransgaz» aksiyadorlik kompaniyasi

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари худуди бўйлаб шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистраль газ қувурлари ётқизилганлигини эслатиб ўтади.

- Эксплуатация нормал шароитини таъминлаш ва қувурлар бузилишига (ударнинг ҳар қандай ўтказилиши-дан қатъи назар) йўл қўймаслик учун «Магистраль қувурларни химоя қилмаслик ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 69-моддасига асосан, муҳофаза зонаси ўрнатилган: — қувур трассаси бўйлаб хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метрча масофада шартли чизиклар билан чегараланган бўлади; — қишлоқ хўжалигига тааллуқли ерлардан химоя майдон қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтадиган шартли чизиклар билан чегараланган; — газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун ситимлар атрофида, нефть, конденсат ва сиқилган углеводородларнинг авария ҳолатидан қиришиш учун ёмборида — кўрсатилган объектлар майдон чегарасида ҳар томонга 50 метрдан тўташ чизик билан чегараланган майдон кўринишида; — кўп тармоқли трасса бўйлаб, чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофада ўтган, шартли чизиклар билан чегараланган ер майдон кўринишида; — бошланғич ва ораликдаги ўтказиш ҳамда қўйиш насос станциялари атрофида, резервуар парклари, компрессор ва газ тарқатувчи станциялар, сарф қилинган газни ўлчаш мосламалари объектлари чегараларида ҳар томонга 100 метр масофада шартли чизиклар билан чегараланган ер майдон кўринишида.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қириқувчи ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан «Магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш» қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб боришда фойдаланилади.

- Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги дала ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши олдидан, ушбу қувурларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга (МГКБ) олдидан маълум қилган ҳолда олиб борилади.
- Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ, жумладан: • ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншоотларни тиклаш; • ҳар хил турдаги дарахт ва буталарни экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан гамлаш, от боғлайдиган қозиларни жойлаштириш, чорвани сақлаш, балиқ етиштириш учун участкаларини ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда яшовчи ва сузувчи ҳайвонларни парвартириш, жониворлар сув ичадиган ҳовузолар қириш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;
- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларни қириш, трактор ва механизмлар учун жойларни қириш, жомоа боғлари ва полизаларни жойлаштириш;
- турли хил қурилиш-монтаж, портлатилган ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш;
- ер мелиорация ишларини амалга ошириш, сугориш ва қуритиш тармоқларини қириш;
- НУК ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал берувчи ва оғоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгартириш;
- кабель алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товуш қучайтирувчи пунктларнинг қопқоқларини, люкларини, катод химояси станцияси, тармоқ ва назорат қилувчи сақлаш ва бошқа тармоқ қурилмаларини, зулф ва жўмрақларини очиш, алоқа воситаларини, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиб ва ўчириш;
- турли хил чиқинди тўпламларини пайдо қилиш, ишқорлар, тузлар ва кислоталарни тўкиш;
- қувурларни бузилишлардан ҳамда ён-атрофни ва яқин жойлашган худудини, транспортроққа қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўқилишидан сақловчи, ер ости ва сувни ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувичи қурилмаларни бузиш;
- олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очик ёки ёпиқ олов манбаларини уюштириш.

Қувурлар ётқизилган худудда тураржой мавзелари, аҳоли пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, иморатлар (тураржой ва нотураржой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасдиқланган «ҚМК 2.05.06-97 Магистраль қувурларига кўра, магистраль қувурларини

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасининг «ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ-ЖИХОЗ» РЕСПУБЛИКА ФИЛИАЛИ 2010 — 2011 ўқув йили маҳсулотларини вилоятларга етказиб бериш бўйича «Мерседес-бенц» ва «КамАЗ» русумли усти ёпиқ автомобилналари бўлган автокорхоналар ўртасида танлов эълон қилади. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 229-12-30, 229-12-28, 229-04-94. Танлов — 10 кун давом этади.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИХОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ • 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ • ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ • ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари

ИЗЛАНГАНГА ИМКОН КЎП Фарғона туманидаги чорвачиликка иختисослашган «Ёрдон» фермер хўжалиги ўз фаолиятини кенгайтириб, сутни қайта ишлайдиган корхонани ишга туширган эди. Ибрат Аини пайтда бу ерда ойига ўртача 50 миллион сўмлик 10 турдан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилаётган қадоқлаш ва ўров анжомлари импорт маҳсулотлари ўрнини босмоқда. Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Alliance Insurance СУФУРТА ТАШКИЛОТИ Мол-мулк сугуртаси Келажагингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй. Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01. www.a-insurance.uz Хизматлар лицензияланган.

ТАШКИЛОТ янги бўлмаган, яхши ҳолатдаги «ЗИЛ-157» русумли автомобиллар, «ГАЗ-71» русумли, занжирли, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган машина (вездеход), шунингдек, занжирли чопик тракторларини сотиб олади. Телефон: (+998 90) 357-84-85. Факс: (+998 71) 233-59-08.

ООО "CHIRSHIK HEATING SYSTEMS" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ЧИС ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, суёқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди. Маҳсулот сертификатланган. Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

Ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш нурли келажакимизни таъминлашнинг муҳим омилidir. Шу боис ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

МАҚСАДИМИЗ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу ишларни ташкил этишда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу жамғарманинг сазой-ҳаракатлари самараси ўларок, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шарт-шароитларга эга спорт қосналарини барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам 2003 — 2009 йилларда жами 67 та болалар спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 59 таси қишлоқ жойларда барпо этилган бўлиб, бу ишларга жами 8 миллиард 656 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ҳозирда ушбу мажмуларда 120 минг нафардан ортиқ ёшлар ўзлари севган спорт турлари билан мунтазам шугулланмоқдалар. Эътиборли жиҳати, машғулларда қизларнинг иштироки фаоллашмоқда. Жумладан, миллий кураш, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилган машғулларда 40 минг нафардан зиёд қизлар саломатликларини мустаҳкамлашмоқда.

Муҳими, бу каби эзгу ишлар ўз самарасини бера бошлади. Бугунги кунда вилоятимизнинг 58 нафар ёш спортчиси Ўзбекистон терма жамоалари аъзоси ҳисобланишди. Улар турли халқаро мусобақаларда юр-

тимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг май ойида Ереван (Арманистон)да бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Мирзабек Ҳасанов ўз вази тоифасида жаҳон чем-



пионлигини қўлга киритди. Бундан ташқари, ўтган йили Гулистонда ўтказилган “Умид ниҳоллари — 2009” спорт ўйинларида вилоятимиз терма жамоаси 3 та олтин, 10 та кумуш, 21 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Ушбу муваффақият эвазига ёшларимиз Президентимиз совғаси — “Дамас” автомашинаси билан тақдирландилар.

Вилоятдаги мавжуд спорт иншоотларининг сақланиши ва замонавий спорт анжонлари билан таъминланиши,

улардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, бу борада мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт муррабийларининг ўз ишига алоҳида масъулият билан

ёндашиши кундалик талабга айланган.

Спорт мусобақаларида эришган натижаларимиз болалар спортини ривожлантириш йўлидаги сазой-ҳаракатимизни муайян маънода ифодалайди. Лекин асосий мақсадимиз соврин ва медаллар эмас, балки фарзандларимизнинг ялпи саломатлигига эришишдир. Спортнинг оммавийлиги йўлида шундай марраларни кўзлайликки, токи бирорта ҳам бола спортдан четда қолмасин.

Жорий — Баркамол авлод йилида болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш йўлида болалар спортини ривожлантиришнинг режалаштирилган. Хозир вилоятда битта мусиқа ва санъат мактабини янгидан бунёд этиш, 3 та мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш, 2 та мактабда қўшимча спорт заллари қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шулар қаторида Хива туманидаги вилоят спорт мактаб-интернатининг сузиш хавзасини мукамал таъмирлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу иншоотларни ўз вақтида, сифатли қилиб фойдаланишга топшириш учун барча шароит ва имкониятлар етарли.

Болалар спортига бўлган катта эътибор — келажакка бўлган эътибордир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодгига қура олади”. Шундай экан, бу йўлда барчамиз камарбастамиз.

Камилжон ИБРАИМОВ,
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали ижрочи директори.

ЭПЧИЛЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида эртагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама билимли, маънан етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мақсадларга эришишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан бир неча йил муқаддам ҳаётга татбиқ қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этаётди. Унинг амалдаги самаралари ўларок, юртимиз шаҳару қишлоқларида бири-биридан кўркам, замонавий таълим муассасалари, жумладан, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари қад-

ростлаяпти. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тартиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш борасида ҳам зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Анъанавий ўтказилган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари эса навқирон авлод вакиллари онгидан галабага интилиш, юрт шънини улуглаш каби хислат-

ларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. “Камолот” маликаси”, “Алпомиш ва Барчиной”, “Қувноқ стартлар”, “Соғломжон — Полвонжон”,

бородаги эзгу ишларнинг ёрқин далили сифатида намоён бўлди, дейиш мумкин. “Камолот” ёшлар ихтисомий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, “Маҳалла” ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада танловнинг вилоят босқичларида голиб чиққан саксон

тўрт нафар қиз ўзаро куч синашди.

Мазкур тадбир мана, уч йилдирки, юртимизда қизларни спортга оммавий жалб этиш, хусусан, стол теннисини янада ривожлантириш мақсадида уюштириб келинаётди. Унга шу вақтга қадар юз минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди.

Мусобақада 15-18 ёшли қизлар ўзаро беллашди. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Марҳаб Аъзамова 16 ёшлилар орасида биринчи ўринни қўлга киритиб, “Камолот” маликаси” деб топилди.

— Ушбу мусобақада ўтган йили ҳам қатнашганим, — дейди Марҳаб. — Аммо совриндорлар сафидан жой олиш насиб этмаганди ўшанда. Тушкунликка тушмай, келгусида, албатта, муваффақият қозонаман, деб ниёт қилганим. Бу орада ўз устимда янада кўпроқ ишладим ва натижада мақсадимга эришдим. Яқин келажакда халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб, юртимиз доврғини янада юқори кўтаришга ҳисса қўшмоқчиман.

Шунингдек, “Камолот” маликаси — 2010” мусобақасида бухоролик Ситора Шамсиева, хоразмлик Саида Қозоқова ва Тошкент вилояти вақиласи Гулнара Шамбилова ҳам голиб бўлишди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДӨВ
олган сурат.

2010 йил — Баркамол авлод йили

НАВРЎЗ КЎНГИЛЛАРДА УЙҒОНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсатилади. Айни пайтда ушбу масканларда байрам тадбирларини ташкил этиш, эҳтиёжманд инсонларни эъозлаш учун қорхона, ташкилот, тадбиркорлар, ҳомиёлар томонидан 52 миллион сўмлик совға-саломлар ҳозирлашга киришилган.

Вилоятдаги санъаткорлар ҳам бу айёمنى муносиб кутиб олишмоқда. 33 та халқ дастаси, 242 та бадий жамоа, 22 та фольклор, 5 та оилавий, 4 та дорбозлар, 3 та цирк, 6 та аскиячи ва қизиқчилар гуруҳлари, 11 театр ва ҳаваскорлик жамоалари байрам учун ўз ижодий дастурларини тайёрлашди.

Одатда, вилоят марказидаги байрам тантаналари ёшлар спорт мажмуида маълум бир доира вакиллари иштирокида ўтказилар эди. Мана, иккинчи йилдирки, бу анъанадан воз кечилди. Шаҳарнинг аҳоли гавжум, одамлар кўп тўпланадиган 7 та худудига кўнма сахналар ўрнатилди. Бу сахналар эрталаб соат 9.00 дан то кечқурун 18.00 гача таниқли бадий жамоалар ихтиёрига берилди. Шу сахналарда ўтказиладиган тадбирлар давомиди 10 мингга яқин шаҳарликлар ва меҳмонларга сумалак, баҳорий таомлар тарқатилади.

Худди шундай оммавий тадбирларни вилоятдаги қолган шаҳар ва туманларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Вилоят худудидаги 418 та маҳаллада аҳоли учун байрам дастурхонлари ёзилади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 41 оила фарзандларига атаб ўтказиладиган суннат тўйларига эса Наврўз тантаналарига улашиб кетади.

Ҳозирдақ вилоятнинг ҳар бир кўча, қишлоқ ва хиёбонларида Наврўз шуқуқи кезиб юрибди. Биргина Фарғона шаҳрининг кўчаларида элликака яқин йирк панно ва пешлавларда Наврўзни улугловчи, тараннум этувчи даъваткор широрлар, кўрғазмалар ўз аксини топган.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ИПОТЕКА-БАНК»

мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаятган яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз байрами билан чин қалбдан табриқлаб, янги «Совға» ютуқли омонатини тақлиф этади.

«Совға» омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд пулда, йиллик 14 фоиз миқдорда даромад тўлаш шarti билан 2010 йилнинг 31 мартига қадар қабул қилинади.

Мазкур омонат турига фоиз даромади тўлаш шarti билан бирга, 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатида ҳаракатда бўлган ва омонат қолдиғи 50 000 сўмдан кам бўлмаган ҳисобварақлар иштирокида ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра ютуқлар тўланади.

Ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-89-56, 150-89-57, 150-89-58.

Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО

(10 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Тунда 2-7, кундузи 8-13 даража илик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража илик, кундузи 17-22 даража иссик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 5-10 даража илик, кундузи 15-20 даража иссик бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 5-10 даража илик, кундузи 15-20 даража иссик бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 8-13 даража илик, кундузи 19-24 даража иссик бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 5-10 даража илик, кундузи 15-20 даража иссик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 6-8 даража илик, кундузи 18-20 даража иссик бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси “Халқ сўзи” газетасининг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири Қудратилла Наҳмидиновга падали бузуқворни **ТОШПҮЛАТ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси агентлик ахборот назорати ва хабар узатиш хизматининг хабар узатувчиси Муаззам Соиповага отаси **Турғун СОИПОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Кўпирчиқлар ва транспорт тоннеллари кафедраси мудири, профессор Абдурахмон Ишанқоджаевга отаси **МУҲАББАТХОН АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзвиринсоноат-холдинг” компанияси жамоаси компания масъул ходими А. Ташкенабаевага отаси **Пўлат ТАШКЕНБАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 63895 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзловлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида термалди ҳамда операторлар Ж. Тоғасев ва М. Бегмуратов томонидан сақланилади.

т-Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абидов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 22.55 1 2 3 5